

Ўзбек адабиётининг машхур намояндаларидан бири, Иттифок Давлат ва Ленин мукофотларининг лауреати Гафур Гулом 1903 йил 1 майда Тошкент шахрининг Кўргонтеги махалласида меҳнаткаш оиласида тугилди. Тўққиз ёшида отасидан етим қолган Гафур аввал эски мактабда, сўнгра рус-тузем мактабида таълим олди.

У Октябрь тўнтаришидан кейинги йилларда муаллимлар тайёрлов курсини битириб, янги усулдаги мактабларда ўқитувчилик қилди. 1923 йилдан болалар уйида мудир ва тарбиячи, сўнг «Камбагал дехкон», «Кизил Ўзбекистон», «Шарк хақиқати» рўзнома муҳарририятларида ишлади. Рўзнома унинг учун дорилфунун ролини ўйнади, халқ ҳаётини ўрганиш, унда фаол аралашиш йўлида муҳим восита бўлди.

Унинг мамлакатни химоя қилиш ҳақидаги тантанавор қасидалари, ўтмиш сарқитларини қораловчи ҳажвий шеърлари ва халқнинг қундалиқ ижодий меҳнатини олқишловчи асарларидан жамланган «Динамо» ва «Тирик кўшиқлар» номли дастлабки шеърий тўпламлари 1931-1932 йилларда чоп этилди.

Шоир лиро-эпик жанрларида (1930-1935) «Кўкан» поэмасини, «Тўй», «Икки васика» балладаларини яратди. Бирок, шоирнинг бир қатор шеърларида, хусусан, биз кўп йиллар коллективлаштириш мавзусидаги энг йирик лироэпик жанрдаги асар деб мактаб келган «Кўкан» поэмаси ҳозирги кун талаблари даражасида эмаслиги сезилиб қолди. Жумладан, поемада бошдан оёқ макталган коллективлаштириш сиёсати маълум ижобий натижалари қаторида чексиз зулм — фожеаларга ҳам сабаб бўлганлиги бор бўйича реалистик ифодаланмаган эди. Мустақиллик даври ўтмиш тарихига яқиндан ҳақиқат кўзгусида боқишни такозо этгач, бундай нуқсонлар маълум бўлиб қолди. Худди шундай ҳол уни партия, она Ватан, В.И.Ленин, Октябрь ҳақидаги шеърларида ҳам сезилади. Шу тўғрисида шоир ижодини заррача камситмаган ҳолда унга танқидий ёндашишни такозо этади.

30-йиллар Гафур Гулом ҳикоя, очерк, фелъетонлар қатори «Нетай», «Ёдгор», «Тирилган мурда» каби қиссаларини ҳам ўз китобхонига тақдим этди.

Улуг Ватан уруши йилларида шоир ўз ижодининг бутун ҳароратини фашист босқинчиларига қарши қурашаётган халққа, унинг муқаррар ғалабасига бағишлади. У «Сен етим эмассан», «Олтин медал», «Қузатиш», «Вакт», «Соғиниш» каби шеърларини ижод қилди, публицистик очерк ва мақолалар ёзиб, халқни жанг ва меҳнат ғалабасига отлантирди. Сўнги йилларда Гафур Гуломнинг 20 га яқин шеърий тўпламлари чоп этилди. Айниқса, шоирнинг «Қузатиш», «Сен етим эмассан», «Қиш», «Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак», «Вакт», «Оналар» сингари асарларида дунё халқларини фашизм ва босқинчиликдан ҳалос этган жангчиларнинг мардона қурашлари тасвирланган.

Гафур Гулом уруш йилларида ёзилган шеърларидан жамланган «Шарқдан келаётирман» тўплами учун 1946 йили Иттифок Давлат мукофотига сазовор бўлди. Адибга вафотидан сўнг «Ленин ва Шарк» мавзусидаги асарлари учун Ленин мукофоти (1973) берилди. Гафур Гулом ўз даврида «Ҳурмат белгиси» (1944), уч марта «Меҳнат Қизил Байроқ»

ордени (1937, 1951, 1961), Ленин ордени (1949), медаллар ва фахрий ёрликлар билан тақдирланган. У Ўзбекистон Фанлар академиясининг аъзоси (1943) эди. 60 йиллик юбилейи муносабати билан унга Ўзбекистон халқ шоири фахрий унвони берилди. Шоирнинг кўпгина асарлари қардош халқлар, Осиё ва Европа тилларига таржима қилинган.

Ўзбек шеърятининг оташин жарчиси, улкан санъаткори Гафур Гулом миллий адабиётимизнинг ривожига катта хисса қўшган адибдир. Адиб 1966 йилда хасталиқдан сўнг вафот этди.